

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

БЕРДИЕВ АБРОР ШОКИРОВИЧ

**МИТРАЛ КОПҚОҚ ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бердиев Аброр Шокирович

Митрал қопқоқ етишмовчилиги бўлган беморларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни оптималлаштириш.....3

Бердиев Аброр Шокирович

Оптимизация тактики ведения беременности и родов у пациенток с недостаточностью митрального клапана21

Berdiev Abror Shokirovich

Optimization of pregnancy and childbirth in patients with mitral valve insufficiency39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

БЕРДИЕВ АБРОР ШОКИРОВИЧ

**МИТРАЛ КОПҚОҚ ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒРУҚНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3682 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Фарход Қахрамонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримова Нилуфар Набижановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупбаев Рустам Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23.Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги ҳозирги кунда ҳомиладор аёллар орасида кенг тарқалган патологик ҳолат бўлиб, ижтимоий муаммо билан бир қаторда замонавий акушерликда ҳам оғриқли нукта бўлиб турибди, жумладан, митрал қопқоқ етишмовчилиги замирида ҳомиладор аёлларда юрак етишмовчилиги ва акушерлик асоратлари билан асоратланиш ҳолатларининг кўп учраши сўнгги ўн йил ичида соғлиқни сақлаш тизимининг ўрганилиши керак бўлган устувор йўналишига айланди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги «...ривожланган мамлакатларда 1–2%ни, ривожланаётган мамлакатларда эса 8–10%ни ташкил этмоқда...»¹. Ҳомиладор аёлларда митрал қопқоқ етишмовчилиги билан боғлиқ гемодинамик бузилишлар, уларни иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар ўзгариши билан боғлиқ ҳолда баҳолаш ва патогенетик асосланган ёндашувларнинг самарадорлиги қатор илмий тадқиқотларда таъкидланган². Шу сабабли, жаҳон тиббиёт ҳамжамияти митрал қопқоқ етишмовчилиги билан боғлиқ асоратларни эрта аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш учун кенг қамровли чоратadbирларни оширмоқда.

Жаҳон миқёсида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёллар орасида ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида асоратларнинг кўплиги ўз навбатида ушбу асоратларни эрта ташхислаш ва башоратлаш мақсадида иммунологик, биокимёвий, марказий гемодинамика маркёрларининг ўрнини ўрганишни тақозо этади. Жумладан, иммунологик ва биокимёвий маркёрларнинг ревматик жараёнлар фаоллашишига таъсири ва унинг она қон айланиши тизимининг бузилиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; митрал қопқоқ етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёллар орасида она-йўлдош-ҳомила тизимидаги гемодинамик бузилишларни аниқлаш; она гемодинамикаси турига ва фетоплацентар тизимдаги қон оқимининг бузилишининг даражаларига асосланиб, ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнини бошқаришнинг мақбул усулини ишлаб чиқиш, ҳомиладор аёллар орасида оналар ўлимини камайтириш, даволаш-профилактик тадбирларни ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва уларни жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, фертил ёшдаги ҳомиладор аёллар орасида учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини камайтиришга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох

¹Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботлари. 2021 йил.

²Watkins DA, Johnson CO, Colquhoun SM, et al. Global, regional and national burden of rheumatic heart disease, 1990–2015. N Eng J Med. 2021; 37:713–722.

қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларда ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан касалланган ҳомиладор аёлларни эрта ташхислаш, туғруқни олиб бориш ва даволашга оид муаммолар маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг қамровли муҳокама қилинган: Бутун жаҳон юрак федерацияси ва унинг ишчи гуруҳи томонидан 2025 йилгача фертил ёшдаги беморларда ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан асоратланишдан эрта ўлимни 25%га камайтириш бўйича стратегик мақсадни белгилаш учун глобал режа ишлаб чиқилди, бу режага асоасан ҳомиладор аёлларда ревматик жараёнларни эрта ташхислаш мақсадида иммунологик ва биокимёвий маркёрларни киритиш маъқулланган (Watkins D.A., et al., 2022). Ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёллар марказий ва регионар гемодинамикаси, унинг биокимёвий ва иммунологик маркёрлари, юракнинг структур-функционал ҳолати, айниқса, миокарднинг диастолик функцияси ҳар хиллиги билан фарқланади (Chen C.H., et al., 2019; Mahmoud Z., et al., 2021).

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни кучайтириш тўғрисида"ги ПҚ-216-сон қарори

Ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги патофизиологиясида яллиғланиш жараёнлари етакчи ўринга эга. С-реактив оксил, интерлейкин (IL)-6, ўсимта некрози омили (TNF- α) ва IL-10 яллиғланиш белгилари намоён бўлганида қон зардобда юқори даражада ифодаланади (Репина М.А. ва ҳаммуал., 2018; Рубаненко А.О. ва ҳаммуал., 2019). Про-Б типигаги натрийуретик пептиднинг (NT-proBNP) юқори даражалари юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ салбий асоратларни, яъни юрак нуқсони бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг қандай кечишини баҳолашда хизмат қилади. Ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда хавфни баҳолаш, шунингдек, биринчи триместрда NT-proBNP нинг прогноз қийматини ва унинг ҳомиладорлик даврида ҳомила юрак қоринчалари функцияси билан боғлиқлиги ўрганилган (Краснопольский В.И. ва ҳаммуал., 2019).

Ревматик митрал қопқоқ етишмовчилиги билан боғлиқ гемодинамик ўзгаришларнинг табиати клиник аломатларининг оғирлик даражаси билан белгиланади ва чап қоринча функцияси ҳамда юрак индекси пасайиши билан бирга кечади (Негматуллаева М.Н. ва ҳаммуал., 2020). Юрак нуқсонлари ҳомиладорлик жараёнида энг жиддий ва хавфли асоратларидан бири бўлиб, улар қон айланишининг ўткир бузилишига, ревматик жараённинг қайта фаоллашишига, ҳомиладор аёлларда тромбоземболия ва тромбознинг келиб чиқишига, ҳомиладорлик даврида турли хил асоратлар, жумладан, презклампсия, ҳомила олди сувларининг вақтидан олдин кетиши, йирингли-септик асоратларга, қон айланиш тизимининг ўткир бузилиши натижасида оналар ўлими ҳолатларига сабаб бўлади (Туксанова Д.И. ва ҳаммуал., 2020).

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳомиладор аёллар орасида соматик касалликлар билан касалланиш ортмоқда, ваҳоланки, хавф омилларини аниқлаш ва касаллик асоратларни эрта ташхислаш етарлича ўрганилганида, улар ёрдамида ҳомиладор аёлларда содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб асоратларнинг олдини олиш имкони бўлар эди. Шу боис, ушбу соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб бориш муҳим ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг (07.2025 PhD 225) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: ревматик генезли митрал клапан етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларда иммун статус бузилишлари, гемодинамик силжишларни башоратлаш ва эрта ташхислаш асосида ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш тактикасини такомиллаштиришдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматик генезли митрал клапан етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёлларда баъзи биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш;

ревматик генезли митрал клапан етишмовчилиги бўлган ҳомиладорларда онанинг марказий ва кардиогемодинамик кўрсаткичларини, шунингдек, она-йўлдош-ҳомила тизимидаги гемодинамик бузилишларини баҳолаш;

митрал клапан етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларда марказий гемодинамика ва иммун статус бузилишларини прогнозлаш ва эрта ташхислаш учун энг муҳим маркёрларни аниқлаш;

митрал клапан етишмовчилигида она гемодинамикаси турига ва фетоплацентар тизимда қон оқимининг бузилиш даражасига қараб ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг оптимал тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси Бухоро филиалига мурожаат қилган ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан асоратланган 70 нафар ҳомиладор аёллар, назорат гуруҳида эса ҳомиладорлиги физиологик кечган 30 нафар аёллар киритилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва унинг зардобии, иммунологик, биокимёвий, доплероэхография ва доплерометрия текширув материаллари таҳлиллар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, иммунологик, биокимёвий биомаркёрлар, доплерометрик функционал тадқиқот усули ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда мия натриуретик пептидининг Б (NT-proBNP) биомаркёрининг статистик ишончли ошиши ва марказий гемодинамика (ҳажм фракциясининг камайиши, умумий периферик томир қаршилигининг ошиши) ва регионар қон айланиши кўрсаткичларининг ошиши орқали намоён бўладиган клиник белгилар, гемостаз тизими бузилишлари асосий хавф омили эканлиги исботланган;

митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда IL-1 β , TNF- α , IL-6 нинг статистик ишончли ошиши ва IL-4 нинг пасайиши аниқланиб, биокимёвий маркёрлар ва гемодинамик кўрсаткичлар орасида мусбат тўғри корреляция борлиги ва бу кўрсаткичлар ишончли маркёр эканлиги исботланган;

периферик қон томирларда умумий периферик томир қаршилигининг ошиши, кардиогемодинамикада ўзгаришлар (охирги диастолик ҳажм ва фракцион ҳажмнинг камайиши, охирги систолик ҳажмнинг ошиши), бачадон артерияларида систолик-диастолик нисбат ва резистентлик индекси, NT-proBNP миқдорининг кескин ортиши фонида юрак зарб индексининг пасайиши биргаликда ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида қон айланишининг

бузилиши каби асоратлар ривожланишининг предикторлари эканлиги аниқланган;

митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда биокимёвий ва иммунологик текширув натижалари, она ва ҳомила гемодинамикасидаги ўзгаришлар асосида адекват акушерлик тактикасини қўллаш орқали ҳомиладорликнинг қониқарли кечиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда иммунологик (IL-1 β , IL-6, IL-4, TNF- α), биокимёвий маркёрлар ва NT-proBNP ўртасида муҳим боғлиқлик борлиги исботланиб, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда марказий гемодинамиканинг ўзгариши (фракцион ҳажмнинг камайиши, умумий периферик томир қаршилигининг ошиши) ва бачадон-ҳомила-йўлдош тизимидаги қон оқимининг бузилиши (систолик-диастолик нисбат ва резистентлик индекси ошиши)ни баҳолаш орқали туғдириш жараёнида хавф омиллари аниқланган;

ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда NT-proBNP, C-реактив оқсил ва ревматоид омил кўрсаткичларини ўрганиш орқали юрак-қон томир тизими фаоллигини баҳолаш мақсадида клиник-лаборатор тестларини ўрганиш асосида кутиладиган асоратларни олдини олиш механизмлари ва ҳомиладорликни олиб бориш, туғдириш тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида замонавий усуллар қўлланилиб, улар бир-бирини тўлдириши, текширув усулларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони ва танланган материалларнинг етарлилиги, биокимёвий маркёрлар, иммунологик, доплероетрик ва статистик тадқиқот усулларининг замонавийлиги, халқаро ва маҳаллий адабиётлар билан таққосланиб асосланганлиги, олинган натижалар бўйича ваколатли ташкилотларнинг хулосалари олингани ва тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларни эрта гестация муддатларида ташхислаш, даволаш, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг замонавий мезонларини ишлаб чиқиш республикада тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларда яллиғланиш олди цитокинлари ва ревматик омиллар, гемодинамик маркёрларнинг миқдорининг ошиши, у билан боғлиқ асоратларни ўз вақтида баҳолаш, акушерлик соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилик кузатилган ҳомиладор аёлларда NT-proBNP ва

иммунологик, марказий ва регионар гемодинамика кўрсаткичларини динамик кузатиш туғруқ ва туғруқдан кейин асоратларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларда башоратлаш ва эрта ташхислашнинг замонавий клиник-лаборатор маркёрларини баҳолаш натижасида олинган илмий хулосалар асосида:

«Ҳомиладор аёлларда ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилигини эрта ташхислаш ва башоратлашнинг такомиллаштирилган усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2025 йил 28 февралдаги 25-м/032-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларни юзага келиши мумкин бўлган асоратларни эрта ташхислаш ва олдини олиш имконини берган.

Ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечишини башоратлаш ва эрта ташхислаш самарадорлигини такомиллаштириш тамойиллари соғлиқни сақлаш амалиёти, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси (10.04.2025 й.; буйруқ №55); Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали (8.04.2025 й.; буйруқ №61) клиник амалиётига тадбиқ этилган. Унинг натижасида туғруқ бўлимларида даволаниш муддати камайган, келиб чиқадиган асоратларни эрта ташхислаш орқали, уларнинг ҳаёт сифати ижобий томонга ўзгариши кузатилган. Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 20 июндаги 20/34-сон хулосаси олинган.

биринчи илмий янгилик: ижтимоий самарадорлиги: митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган аёлларда таклиф этилган текшириш усуллари юрак фаолиятини баҳоловчи ишончли ва тезкор маълумот берувчи клиник-лаборатор маркёрлар бўлиб, уларни қўллаш амалий тиббиёт учун жуда қулай ва асоратларни эрта аниқлаш имконини яратади; иқтисодий самарадорлиги: митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик кечишини биокимёвий ва иммунологик маркёрлар ёрдамида аниқлаш юзага келиши мумкин бўлган асоратларни баргараф этиб, беморларнинг стационар давога эҳтиёжи пасаяди. Стационар даво кунлари қисқариши натижасида ҳар бир бемор ҳисобидан бюджетдан ташқари маблағлардан 645100 сўм, бюджет маблағларидан 225050 сўм иқтисод қилиш имконини берган; хулоса: митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда биокимёвий ва иммунологик маркёрларни ўрганиш орқали ҳомиладорликни олиб бориш самарадорлиги исботланганлиги, юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади ва 870150 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган;

иккинчи илмий янгилик: ижтимоий самарадорлиги: митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган беморларда юрак фаолиятини баҳоловчи ишонччилик ва информативлиги юқори бўлган иммунологик маркёрларни қўллаш амалий тиббиёт учун жуда қулай бўлиб, асоратларни эрта аниқлаш имконини яратади; иқтисодий самарадорлиги: митрал қопқоқ етишмовчилигида ривожланишини сезгир иммунологик тестлар ёрдамида аниқлаш ва юрак фаолиятини тиклаш ушбу беморларда юрак етишмовчилигини даволашга қаратилган сарф харажатларни қисқартириш натижасида ҳар бир бемор учун бир йил давомида бюджет ҳисобидан 62595 сумга иқтисод қилиш имконини берган; хулоса: митрал қопқоқ етишмовчилиги аниқланган беморларда юрак функциясини баҳолашда иммунологик маркёрларни амалиётга қўллаш орқали юрак етишмовчилиги хавфини тўғри баҳолаш, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни тўғри танлаш имкониятини беради;

учинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд беморларда асоратлар ривожланишини эрта ташхислаш ва башоратлашда прогностик хусусиятга эга лаборатор ва инструментал маркёрларни қўллаш орқали ҳомиладор аёлларда асоратлар ривожланиб боришини олдини олишга эришилган; иқтисодий самарадорлиги: митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд беморларда юрак фаолиятини эрта баҳоловчи лаборатор ва инструментал кўрсаткичларни эрта аниқлаш учун 314410 минг сўм сарфланади, бу асоратлар ривожлангандан кейин қўлланиладиган ташхисот ва даво харажатларидан 4,2 барабар арзон бўлиб, ҳар бир нафар беморга бир йилда бюджет ҳисобидан 396600 сўм, бюджетдан ташқари 795148 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган; хулоса: митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд беморларда асоратларни эрта аниқлаш асосида ҳар бир бемор ҳисобига 1109558 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд ҳомиладор аёлларда асоратларни ривожланишини эрта аниқлаш, адекват акушерлик тактикасини қўллаш орқали туғруқни қониқарли кечишига эришилган; иқтисодий самарадорлиги: услубий тавсиянома тадбиқ этилгунча митрал қопқоқ етишмовчилиги ривожланишини ташхислашнинг кечикиши, асоратлар билан кечганда ташхис қўйиш, даволашга қаратилган чора тадбирлар учун бир йилда ўртача 1314000 сўм сарфланган бўлса, тавсиянома тадбиқ этилгач, бу харажатлар 468500 сўмгача камайди. Тадқиқотлар бўйича ушбу чора тадбирлари бўйича ўтказилган усуллар бир бемор учун бир йилда ўртача 845500 сўмга иқтисод қилиш имконини берган; хулоса: ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилиги мавжуд беморларда асоратларни эрта аниқлаш ва башоратлаш, хавф омилларини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга ҳамда ушбу чора тадбирлар асосида ҳар бир бемор учун 845500 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва бўлимлари 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр ишлари, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Митрал қопқоқ етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёллар муаммосига замонавий қарашлар: этиопатогенетик механизмлари, эрта ташхислаш, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Мазкур боб бешта фаслдан иборат бўлиб, уларда акушерлик амалиётида ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилигини этиопатогенезининг замонавий талқини бўйича ҳал этилмаган маълумотлар, митрал қопқоқ етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёлларда биокимёвий ва иммунологик маркёрларнинг ревматик жараён фаоллашувини башоратлашдаги ўрни, митрал қопқоқ етишмовчилиги бўлган аёлларда ҳомиладорлик даврида гемодинамик ўзгаришлар, ҳомиладорликни олиб бориш, даволаш ва туғиш тактикасининг замонавий жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилиги бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш ва клиник хусусиятларини ўрганишнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материал ва усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси Бухоро филиалида 2022-2024 йиллар давомида амалга оширилган. Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёллар 3

гуруҳга бўлиб ўрганилган: 1-гуруҳ ревматик жараёнларнинг клиник кўринишлари фаоллашуви билан шифохонага ётқизилган ҳомиладор аёллар (n=35); 2-гуруҳ- ҳомиладорликнинг дастлабки давридан текширилиб, тегишли профилактик давони ўз вақтида олган ҳомиладор аёллар (n=35), назорат гуруҳи – ҳомиладорлиги физиологик кечган ҳомиладор аёллар гуруҳи (n=30).

Умумий қон таҳлили кўрсаткичларини (эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар, гемоглобин, гематокрит кўрсаткичи) ўрганиш Mindray BC-5300 (Shenzhen Mindray Bio-Medical Electronics Co., Ltd. Хитой) гематологик анализатори ёрдамида клиник ва гематологик текширув талабларига мувофиқ амалга оширилди. Қоннинг биокимёвий таҳлиллари Бухоро вилояти перинатал маркази ва “ENDOMED CENTER” хусусий клиник лабораториясида амалга оширилди. Биоматериалларни текшириш ва ўрганиш Mindray BA-88A ва иммунофермент анализатори “STAT FAX-303+ Awareness АҚШ” ёрдамида амалга оширилди.

Иммунологик тадқиқот усули Бухоро давлат тиббиёт институти “Иммунология ва микробиология” кафедраси лабораториясида «Mindray MR-96A» иммунофермент анализатори аппарати ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди IL-1 β , IL-6, IL-4, TNF- α интерлейкинлари текширилди. Ҳомиладорлар юрак-томир тизими ҳолатини ўрганиш учун марказий гемодинамика ультратовушли комбинацияланган эхокардиография ва доплерометрия усулларида ўрганилди. Бунда бачадон-йўлдош, ҳомила-йўлдош, киндик артерияси ва бачадон артерияси кўрсаткичлари ўрганилди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганилиб, хато эҳтимоли (P)ни ҳисоблаш билан Стьюdent (t) мезони бўйича аниқланди.

Диссертациянинг **«Ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилигини эрта ташхислаш ва истиқболни белгилашда биокимёвий-иммунологик маркёрларнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган учинчи бобида тадқиқотга жалб қилинган беморлардаги биокимёвий ва иммунологик маркёрлар таҳлили келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, 1-гуруҳ ҳомиладор аёллари, яъни ревматик жараёнларнинг клиник кечиши фаоллашган аёлларда ҳомиладорлик физиологик кечаётган аёлларга нисбатан гемоглобин миқдори, эритроцитлар сонининг статистик ишонарли камайиши кузатилиб, ранг кўрсаткичи пасайишига мойиллик кузатилди. Жумладан, лейкоцитлар сони ревматик жараёнларнинг клиник кечиши фаоллашган ҳомиладор аёлларда назорат гуруҳига нисбатан 2,45 ($p<0,001$) ортган бўлса, даво муолажаларини олган 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларда эса назорат гуруҳига нисбатан 1,33 ($p<0,01$) маротабани ташкил этди. ЭЧТ назорат гуруҳига нисбатан 2,50 ($p<0,001$) ва 2,07 ($p<0,001$) маротаба кўтарилиши кузатилди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ревматик жараёнларнинг клиник кечиши фаоллашган ҳомиладор аёлларда плазмадаги фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ) қисқарган бўлиб, $19,7 \pm 0,68$ сонияни, 2-гуруҳ, яъни даво чораларини олган ҳомиладор аёлларда, эса $22,8 \pm 0,91$ сонияни ташкил қилди ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,89 ($p < 0,001$) ва 1,63 ($p < 0,001$) маротаба қисқарди.

1-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладорларнинг гемостазиологик кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=35	1-гуруҳ, n=35	2-гуруҳ, n=35
ФҚТВ, сек	$37,2 \pm 0,32$	$19,7 \pm 0,68^{***\wedge\wedge}$	$22,8 \pm 0,91^{***\infty\infty}$
ПТИ, %	$91,7 \pm 0,56$	$101,3 \pm 1,55^{**\wedge\wedge}$	$98,9 \pm 1,50^{*\infty}$
ХММ	$0,89 \pm 0,04$	$0,98 \pm 0,002^{**\wedge}$	$0,92 \pm 0,02^{**\infty}$
Фибриноген, г/л	$2,92 \pm 0,46$	$5,99 \pm 0,31^{**\wedge}$	$5,06 \pm 0,15^{**\infty}$
D-димер	$547,3 \pm 36,5$	$1752 \pm 28,1^{***\wedge\wedge\wedge}$	$1314 \pm 64,5^{***\infty\infty}$

Изоҳ: * - фарқлар назорат маълумотларига нисбатан аҳамиятли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$), ^ - фарқлар 2 гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^ - $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,01$, ^^ - $p < 0,001$), ∞- фарқлар 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (∞- $p < 0,05$, ∞∞ - $p < 0,01$)

Ревматик жараёнларнинг клиник кечиши фаоллашган ҳомиладорларда ФҚТВ $19,7 \pm 0,68$ сониягача қисқариши аниқланди. Бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 1,89 маротаба ($p < 0,001$) камайганлигини кўрсатади. Назорат гуруҳида эса, ФҚТВ $37,2 \pm 0,32$ сонияни ташкил этди. Протромбин индекси (ПТИ) махсус формуладан фойдаланиб ҳисобланди ва назорат гуруҳда $91,7 \pm 0,56\%$ ни, 1-гуруҳда – $101,3 \pm 1,55\%$ ни, 2-гуруҳда $98,9 \pm 1,50\%$ га тенг бўлди, бу эса ҳомиладорларда гиперкоагуляция мавжудлигини кўрсатади. 1-гуруҳда ХММ $0,98 \pm 0,002$ ва 2-гуруҳда – $0,92 \pm 0,02$ ни ташкил этди. Назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич $0,89 \pm 0,04$ ни ташкил этди. 1-гуруҳ ҳомиладор аёлларида фибриноген миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 2,05 ($P < 0,001$) маротаба ортиб, $5,99 \pm 0,31$ г/л ни, 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларида эса назорат гуруҳидан 1,73 ($p < 0,01$) маротаба ортиб, $5,06 \pm 0,15$ г/л ни ташкил қилди. Физиологик кечувчи ҳомиладорларнинг қон зардобиди D-димер миқдори $547,3 \pm 36,5$ нг/мл га тенг бўлиб, соғлом аёллар кўрсаткичларидан юқоридир, бу ҳомила ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ревматик жараёнлар фаоллашган ҳомиладор аёлларда бу кўрсаткич 3,2 ($p < 0,001$) маротаба юқори бўлди ва $1752 \pm 28,1$ нг/мл ни ташкил қилди. 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларида бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 2,40 ($p < 0,001$) маротаба юқори бўлиб, $1314 \pm 64,5$ нг/мл га тенг бўлди.

1-гуруҳ ҳомиладор аёлларида ўрганилган кўрсаткичларда назорат гуруҳи ва 2-гуруҳ ҳомиладор аёллари кўрсаткичларига нисбатан статистик ишончли, аҳамиятли ўзгаришлар кузатилган. Агар 1-гуруҳ ҳомиладор аёлларида С-реактив оқсил (СРО), ревматоид омил (РО), антистрептолизин-О (АСЛО)

кўрсаткичлари 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларига нисбатан мос равишда 1,78, 1,25, 1,37 маротаба ошган бўлса, назорат гуруҳи аёллари кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 6,6, 1,79, 3,2 маротаба ошганлигини кўрсатди. 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларда СРО $7,94 \pm 0,17$ мг/лга тенг бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 3,7 ($p < 0,01$) маротаба ортишини кўрсатди. Шу билан бирга, 2-гуруҳдаги ҳомиладор аёллар қон плазмаси таркибида РО ва АСЛО кўрсаткичи назорат гуруҳи аёлларига нисбатан 1,44 ($p < 0,01$) ва 2,33 ($p < 0,001$) маротаба ошиб, уларнинг миқдори $15,7 \pm 0,49$ ХБ/мл ва $382,2 \pm 3,8$ ХБ/мл га тенг бўлди.

2-жадвал

Текширилган гуруҳлардаги беморларнинг қон зардобиди NT-proBNP ва HbA1C миқдори, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=30	1-гуруҳ, n=35	1-гуруҳ, n=35
NT-proBNP, пг/мл	$119,2 \pm 0,97$	$577,8 \pm 26,4^{***\wedge\wedge}$	$243,7 \pm 11,6^{***\infty\infty\infty}$
HbA1C, %	$5,2 \pm 0,06$	$6,81 \pm 0,08^{*\wedge}$	$6,19 \pm 0,07^{*\infty}$

Изоҳ: * - фарқлар назорат маълумотларига нисбатан аҳамиятли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$), ^ - фарқлар 2-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^ - $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,01$, ^^ - $p < 0,001$), ∞- фарқлар 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (∞ - $p < 0,05$, ∞∞ - $p < 0,01$, ∞∞∞ - $p < 0,001$)

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ревматик генезли митрал қопқоқ етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёллар гуруҳида кучли ўзгаришлар аниқланди. Айниқса, бу гуруҳдаги ҳомиладорларнинг қон зардобиди NT-proBNP миқдори 4,84 ($p < 0,001$) маротаба ортиб, $577,8 \pm 26,4$ пг/мл ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 2-гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг кўрсаткичларига нисбатан 2,37 ($p < 0,001$) маротаба юқори бўлди. 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларида NT-proBNP миқдори $243,7 \pm 11,6$ пг/мл га тенг бўлиб, бу назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 2,0 ($p < 0,001$) маротаба юқорилигини кўрсатди. HbA1c миқдори назорат гуруҳида $5,2 \pm 0,06\%$ га тенг бўлиб, [5,81-4,4%] оралиғи қайд этилди. 1- ва 2-гуруҳ ҳомиладор аёлларида эса, унинг миқдори $6,81 \pm 0,08\%$ [7,8-5,5%], $6,19 \pm 0,07\%$ [6,6-4,5%] тенг бўлиб, статистик ишончли фарқ аниқланмади.

1-гуруҳда IL-1 β миқдори $162,4 \pm 5,2$ пг/мл [208,4-96,5 пг/мл], 2-гуруҳда эса $68,7 \pm 4,9$ пг/мл [156,3-20,9 пг/мл]ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида $7,4 \pm 0,84$ пг/мл [18,9-2,8 пг/мл] натижа қайд этилди. IL-6 миқдори 1-гуруҳда $142,3 \pm 5,7$ пг/мл [215,9-58,6 пг/мл], 2-гуруҳда эса $50,3 \pm 3,8$ пг/мл [92,4-17,7 пг/мл]ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида $5,97 \pm 0,34$ пг/мл [8,7-2,4 пг/мл] натижа қайд этилди. 1-гуруҳ ҳомиладор аёлларида қон плазмасидаги IL-6 концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 23,8 ($p < 0,001$) маротаба, даво муолажаларини олган 2-гуруҳ аёлларидан эса 2,83 ($p < 0,001$) маротаба юқори бўлганлигини кўриш мумкин. 2-гуруҳда IL-6 $50,3 \pm 3,8$ пг/мл га тенг бўлиб, назорат гуруҳидан 8,43 ($p < 0,0001$) маротаба ошганлигини кўрсатди. 1-гуруҳ ҳомиладор аёллари қон зардобидидаги TNF- α $98,1 \pm 2,9$ [145,2-67,7] пг/мл ни, 2-гуруҳ аёлларида эса $37,8 \pm 3,1$ [92,7-16,1] пг/мл ни, назорат гуруҳида $8,28 \pm 0,63$ [16,4-3,2] пг/мл ни ташкил қилди. 2-гуруҳ ҳомиладор аёллар қон зардобидида IL-4 назорат ва 1-

гуруҳ билан солиштирганда сезиларли даражада ошганлиги қайд этилди. 1-гуруҳда П-4 $21,6 \pm 1,38$ [42,7-12,4] пг/мл ни, 2-гуруҳда $132,4 \pm 6,24$ [187,1-11,6] пг/мл ни, назорат гуруҳида $5,17 \pm 0,71$ [15,3-1,1] пг/мл ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «Ревматик этиологияли митрал қопқоқ етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларда қон айланиш тизими ва кардиогемодинамика ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотга жалб қилинган асосий гуруҳ ва назорат гуруҳида ўтказилган инструментал текшириш натижалари солиштирма таҳлили ўтказилган. 1-гуруҳда САБ, ДАБ, ЮҚЧ ва ўртаБ 2-гуруҳга нисбатан мос равишда 21,2%, 4,89%, 30%, 8,43 % га тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳига нисбатан мазкур кўрсаткичлар мос равишда 34,8%, 36,9%, 36,6% ва 12,5% га тенг бўлди. 2-гуруҳда кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 11,2%, 30,6%, 4,84%, 3,75% га тенг бўлиб, статистик ишончли бўлди.

Марказий гемодинамика кўрсаткичлари ўрганилганда қуйидаги натижалар қайд этилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўрганилган гуруҳлар ҳомиладор аёлларида марказий гемодинамика кўрсаткичлари, (n=100)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳ, (n=30)	1- гуруҳ, (n=35)	2- гуруҳ, (n=35)
ДХ, л/дақ.	$7,5 \pm 0,14$	$5,87 \pm 0,08^{**\wedge\wedge}$	$7,25 \pm 0,09^{*\infty\infty}$
ЗИ, мл/м ² .	$58,9 \pm 0,96$	$39,7 \pm 0,82^{***\wedge\wedge\wedge}$	$51,4 \pm 0,86^{*\infty\infty\infty}$
ЮИ, л/дақ/м ² .	$4,61 \pm 0,09$	$3,39 \pm 0,05^{*\wedge}$	$4,29 \pm 0,02^{*\infty}$
УПТҚ, дин.сек.см ⁻⁵	$948,6 \pm 10,4$	$1199,8 \pm 23,7^{***\wedge\wedge}$	$1132,8 \pm 4,78^{**\infty\infty}$

Изоҳ: * - фарқлар назорат маълумотларига нисбатан аҳамиятли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$), ^ - фарқлар 2-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^ - $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,01$, ^^ - $p < 0,001$), ∞ - фарқлар 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (∞ - $p < 0,05$, ∞∞ - $p < 0,01$, ∞∞∞ - $p < 0,001$).

